**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг 36 - сонли баёнидан кўчирма**

2021 йил 29 июнь

Тошкент ш.
Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй

Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши интернет орқали онлайн режимда, масофадан туриб йиғилишни олиб бориш имконини берувчи “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати (http://evote.uz/) воситасида ўтказилди, шунингдек банк акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили Н.Н. Нуритдинова (телекоммуникацион алоқа воситалари орқали) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси вакили Д.К. Ибрагимовнинг “Ипотека-банк” АТИБ Бош офисининг мажлислар залида бевосита иштирокида, соат $11^{00}$ дан бошлаб амалга оширилди.

Йиғилишда бевосита банк биносида иштирок этган акциядорларни инобатга олган ҳолда, йиғилишни ўтказиш оператори электрон платформасида шаклланган ҳисобот бўйича, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг реестрига кўра, 2021 йил 23 июнь ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2’861’787’259’906 дона оддий акциялар эгаси бўлган 13537 та акциядор киритилган. Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди. Электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи 2’646’260’440’374 дона акцияларга эгалик қилувчи акциядор ва акциядорларнинг вакиллари (351’277’438’561 дона овоз масофадан туриб, 2’294’983’001’813 дона овоз бевосита иштирок этган ҳолда) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

**Йиғилиш кворуми: 92,47 %.**

Акциядорларнинг масофавий умумий йиғилиши ишчи органлари One ID Ягона идентификация тизими орқали белгиланган тартибда идентификацияланди ва йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасидан рўйхатдан ўтказилиб, қуйидаги таркибда тузилди.

| | |
|---|---|
| **Йиғилиш котиби:** | **Баходир Ибрагимович Мерганов** |
| **Саноқ комиссияси аъзолари:** | **Хилола Рустамовна Маликова** |
| | **Ольга Алекссевна Шакаримова** |
| | **Тимур Садритдинович Мухитдинов** |

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

2. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2020 йил якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари тўғрисида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

3. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. 2021 йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегарасини тасдиқлаш.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш ҳамда имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлашни тасдиқлаш.

6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.

7. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясининг 2020 йил якунлари бўйича ижросини эшитиш.

8. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

9. 2020 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

11. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

12. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

13. “Ипотека-банк” АТИБ Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

14. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

15. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2020 йил давомида тузилган аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни тасдиқлаш.

17. “Ипотека-банк” АТИБнинг аффилланган шахслар билан келгусида йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача муддатга тузиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш.

18. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш.

19. “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви Раиси ва Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномалар муддатларини бир йилга узайтиришни тасдиқлаш.

---

**1. Кун тартибидаги биринчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги биринчи масала овозга қўйилди*:***

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2020 йил якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари тўғрисида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**3. Кун тартибидаги учинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**4. Кун тартибидаги тўртинчи масала –** 2021 йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегарасини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш ҳамда имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлашни тасдиқлаш бўйича Молия блоки раҳбари А. Мухитдиновнинг ахбороти тақдим этилди.

**Кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**6. Кун тартибидаги олтинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш масаласида Молия блоки раҳбари А. Мухитдинов томонидан маълумот киритилди.

**Кун тартибидаги олтинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**7. Кун тартибидаги еттинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясининг 2020 йил якунлари бўйича ижроси масаласида банкнинг Стратегия департаменти директори Т.Рахмонов томонидан тақдим этилган ҳисобот эшитилди.

**Кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**8. Кун тартибидаги саккизинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала –** 2020 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш масаласи юзасидан банк Корпоратив маслаҳатчиси Б. Мерганов томонидан тақдим этилган ахборот тингланди.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** **Қарши 0 (0%)** **Бетараф 0 (0%)**

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**10-11. Кун тартибидаги ўнинчи ва ўн биринчи масалалар –** “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш ва “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш масалаларини биргаликда кўриб чиқиш таклиф этилди ва бу борада банк Корпоратив маслаҳатчиси Б. Мергановнинг ахбороти эшитилди.

Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича кумулятив овоз берилади.

Банк устави бўйича Тафтиш комиссияси аъзолари 3 киши бўлиши лозим. Қонунчиликка асосан кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича оддий овоз берилиши лозим.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича берилган овозлар:**

| № | Ф.И.О. | Лавозими | Овоз бериш натижалари (овозлар сони) |
|---|---|---|---|
| 1 | Ибрахимжанова Зумрат Аманбаевна | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқармаси бошлиғи | 2’624’553’103'964 |
| 2 | Абдуллаева Ирода Маратовна | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлими бошлиғи | 2’624’553’103’964 |
| 3 | Абдушукуров Жамшид Абдигалипович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департаменти директори | 3’148’671’034’398 |
| 4 | Махкамов Рустам Хусниддинович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари | 525’833’318’040 |
| 5 | Александр Пиккер | Лойиҳалар бўйича халқаро эксперт (Австрия) | 3’148’671’034’398 |
| 6 | Татьяна Доган | Қозоғистон Республикасининг “Қозоғистон Иджара Компания” АЖ Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси | 3’148’671’034’398 |
| 7 | Весли Дэвис | APQ Global компанияси (Буюк Британия) молиявий директори | 3’148’671’034’397 |
| 8 | Таджиев Авазхон Асадуллаевич | “Салтанат Мева” Савдо уйи МЧЖ бош директори | 3’148’671’034’400 |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз)*

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича берилган овозлар:**

| № | Ф.И.О. | Лавозими | |
|---|---|---|---|
| 1 | Нуритдинова Наима Низом қизи | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлими бошлиғи ўринбосари | |
| | **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |
| *(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз)* | | | |
| 2 | Дарвишев Нурбек Муратович | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |
| *(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз)* | | | |
| 3 | Мавлюдов Элдар Хайратдинович | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси | |
| | **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0(0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |
| *(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз)* | | | |

**12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш масаласида Юридик департамент директори Ҳ. Муродовнинг ахбороти тақдим этилди.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2’646’070’083'042 (99,99%)** **Қарши 40’260'000 (0,002%)** **Бетараф 0 (0%)**

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш масаласида Корпоратив маслаҳатчи хизмати раҳбари Б. Мергановнинг ахбороти тингланди.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2’646’070’083'042 (99,99%)** **Қарши 40’260'000 (0,002%)** **Бетараф 0 (0%)**

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш масаласида Ходимларни бошқариш департаменти директори С. Садуллаева томонидан тақдим этилган ахборот эшитилди.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2’646’070’083'042 (99,99%)** **Қарши 40’260'000 (0,002%)** **Бетараф 0 (0%)**

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш масаласида Ходимларни бошқариш департаменти директори С. Садуллаева томонидан тақдим этилган ахборот эшитилди.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2’646’070’083'042 (99,99%)** **Қарши 40’260'000 (0,002%)** **Бетараф 0 (0%)**

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2020 йил давомида тузилган аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни тасдиқлаш масаласида банк Корпоратив маслаҳатчи хизмати раҳбари Б. Мергановнинг ахбороти тингланди.

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** **Қарши 0 (0%)** **Бетараф 0 (0%)**

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**17. Кун тартибидаги ўн еттинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг аффилланган шахслар билан келгусида йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача муддатга тузиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш масаласида Корпоратив маслаҳатчи хизмати раҳбари Б. Мергановнинг ахбороти тингланди.

**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 1’715’387’606 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Изоҳ: Овоз беришда аффилланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (2’294’983’001’813 дона овоз) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (349'411’ 953’623 дона овоз) иштирок этмади);*
*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**18. Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш масаласида банк Корпоратив маслаҳатчи хизмати раҳбари Б. Мергановнинг ахбороти тингланди.

**Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 1’715’387’606 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Изоҳ: Овоз беришда аффилланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (2’294’983’001’813 дона овоз) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (349'411’ 953’623 дона овоз) иштирок этмади;*
*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

**19. Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала –** “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви Раиси ва Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномалар муддатларини бир йилга узайтиришни тасдиқлаш масаласида Корпоратив маслаҳатчи хизмати раҳбари Б. Мергановнинг ахбороти тингланди.

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала овозга қўйилди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 2’646’110’343’042 (99,99)** | **Қарши 0 (0%)** | **Бетараф 0 (0%)** |

*(Овоз бермаганлар – 150’097’332 (0,01%) дона овоз).*

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши

**Қарор қилди:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2020 йил якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари тўғрисида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

3. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. 2021 молиявий йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудитори этиб “KPMG” аудиторлик компанияси белгилансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорининг чегараси 2 047 000 000 сўм миқдорида (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҚҚС миқдори ўзгарганда, ушбу сумма тузатилишини инобатга олган ҳолда) тасдиқлансин.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш ҳамда имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлаш қуйидагича тасдиқлансин:

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ *(Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль))* стандарт активлар бўйича захираларни шакллантириш учун 73’078’933’850,28 сўм (тақсимланмаган фойданинг 10,3%) йўналтирилсин;

- умумий захира фондини шакллантириш учун 141’901’053’842,26 сўм (тақсимланмаган фойданинг 20%) йўналтирилсин;

- 2020 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссияси аъзоларига банкнинг ички ҳужжатлари талаблари асосида 903’274’624,40 сўм (тақсимланмаган фойданинг 0,13%) (мажбурий ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда) йўналтирилсин.

Тақсимланмаган фойда ҳисобидан қолган 493’622’006’894,36 сўм (тақсимланмаган фойданинг 69,57%) миқдоридаги маблағ тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин.

“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига мукофотлар (имзоланган шартномаларга асосан тегишли қайта ҳисоб-китоблар қилиб чиққан ҳолда) улар билан имзоланган шартномалар шартлари асосида тўлиқ корпоратив йил (2020 йил 30 сентябрь – 2021 йил 29 июнь) учун улар Кузатув кенгаши таркибига сайланган санадан бошлаб тўлансин ва ушбу харажатлар банкнинг жорий молия йилининг харажатларига олиб борилсин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга умумий захира фондидан 2’013’000’000 сўм миқдоридаги маблағлар (ҳар бир дона имтиёзли акция учун 0,25 сўм ҳисобида) йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда аниқлансин, ҳисоблашда рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2021 йил 20 июлдан бошлансин ва 2021 йил 27 августга қадар тугатилсин.

6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йил учун Бизнес-режаси тасдиқлансин.

7. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясининг 2020 йил якунлари бўйича ижроси бўйича ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин.

8. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2020 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига З.А. Ибрахимжанова, И.М. Абдуллаева, Ж.А. Абдушукуров, Р.Х. Махкамов, А. Пиккер, Т. Доган, В. Дэвис, ва А.А. Таджиевлар қайта сайлансин. Ю.В. Берешченко “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

11. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибига Н.Н. Нуритдинова, Н.М. Дарвишев ва Э.Х. Мавлюдов сайлансин. Уларнинг сайланганлиги муносабати билан Ш.С. Сайфутдинов, Н.У. Лолахонов ва Х.О. Набиевлар “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибидан чиқарилсин.

12. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставга киритиладиган мазкур ўзгартишлар ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

13. “Ипотека-банк” АТИБ Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 5 декабрдаги 23-сон баённомаси билан тасдиқланган “Ипотека-банк” АТИБ Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

15. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

16. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2020 йил давомида тузилган аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар тасдиқлансин.

17. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2021 йилдаги фаолияти натижаларига бағишлаб ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санасига қадар банкнинг аффилланган шахслар билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиши мумкин бўлган битимлари тасдиқлансин.

18. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида кўрсатилган операциялар белгилансин, шунингдек банк Бошқаруви томонидан мазкур операцияларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ аффилланган шахслар билан ҳамда йирик битимларни тузиш асосида мустақил равишда амалга оширилиши мумкинлиги маъқуллансин.

19. “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви Раиси Э.И. Иномжонов ва Бошқаруви аъзолари Д.И. Зулфукаров, М.А. Абдурахманов, Ж.М. Фаязов, Э.З. Норметов ва Ҳ.Г. Муродовлар билан тузилган шартномалар муддатларини бир йилга узайтириш тасдиқлансин.

**Йиғилиш котиби** **Б.И. Мерганов**

*Ушбу баён 2021 йил “30” июнда икки нусхада тузилди.*